



XIX АСР ОХИРИ XX АСР БОШЛАРИДА ЗАРАФШОН ВОҲАСИНИНГ БУХОРО АМИРЛИГИГА ТЕГИШЛИ ХУДУДЛАРИДА ХУНАРМАНДЧИЛИК ВА САВДО-СОТИҚ

Жўраева Наргиза

Навоий давлат педагогика институти магистранти

Хунармандчилик Бухоро амирлигининг барча ўтроқ худудларида бўлгани каби, Зарафшон воҳасида ҳам асрлар давомида ўзиг хос анъаналар асосида такомиллашиб келган. Ўтган вақт мобайнида воҳадан карвон йўлларининг ўтганлиги, бу ерда шаҳарларнинг кўпайиб, аҳолининг зичлашиб борганлиги, воҳанинг қўшни вилоятлар билан савдо алоқалари учун қулай жойда жойлашганлиги хунармандчиликнинг нисбатан тез ривожланиши учун сабаб бўлган. Шунингдек, Ўрта Осиё минтақасининг иқтисодий ва сиёсий ҳаётида салмоқли ўрин эгаллаган. Зарафшон воҳасида бу соҳа авлоддан авлодга, устоздан-шогирдга мерос тариқасида ўтиб келган.

XIX асрнинг иккинчи ярмида Зарафшон воҳасининг Бухоро амирлиги таркибида бўлган Бухоро, Ғиждувон, Карман каби шаҳарлари ва йирик қишлоқларида тўқимачилик турлари анча тараққий топди. Бу даврда Бухоро ва унинг атрофида 10-12 мингта яқин тўқув дастгоҳлари мавжуд бўлган¹³. Соҳанинг ривожланишига нафақат ички савдо, балки ички ташқи савдода ҳам тўқимачилик маҳсулотларига талабнинг ошиб бориши катта таъсир кўрсатган.

Воҳада бўёқчилик қадимдан тараққий этган бўлиб, хунармандлар ўз касбини пухта эгаллашган. XIX асрнинг 60-йилларида Туркистон ҳақида кўпгина маълумотлар тўплаган П.И.Пушкина Марказий Осиёнинг бўялган ипларидан тўқилган матолар ранги ўчмаслиги билан фарқланиб туришини таъкидлайди¹⁴. Ранг тайёрловчилар бўёқчиларга керакли рангларни тайёрлаб беришган.

XIX аср охирларида ижтимоий-иқтисодий ҳаётида нисбатан жонланиш юз берди. П.И. Ивановнинг таъкидлашича, хорижий мамлакатлар, жумладан, Россия бозорларида “Ўрта Осиё хом ашёси ва баъзи маҳсулотларига талаб кучая бошлади”¹⁵. Бу даврда Зарафшон воҳасида йирик тўқимачилик корхоналарининг кўпайиб бориши натижасида якка тартибда ишлаган хунармандлар касодга юз тутди. Шарқ мамлакатларида бўлгани каби Ўрта Осиёда ҳам қадимдан зардўзлик хунари такомиллашиб борган. Зардўзликнинг тараққий қилишига унинг Бухоро хукмдорлари томонидан қўллаб-қувватланиши ҳам сабаб бўлган.

¹³ Сухорова О.А. Позднефеодалный город Бухара конца XIX-начала XX-века. –Тошкент: Фан, 1962. С.20

¹⁴ Пашино П.И.-СПб. 1968.С.140

¹⁵ Иванов П.П. Очерки по истории Средней Азии (XVI-середина XIX-века)-М.: Изд.вост.лит. 1958. С.113





Қуйи Зарафшон воҳасида машҳур хунарларидан бири –темирчиликка қадимдан аҳолининг эҳтиёжи катта бўлган. Шаҳар ва қишлоқларида фаолият кўрсатган темирчилик устахоналарига темир ва мис хом ашёси асосан четдан олиб келинган¹⁶. Металлга ишлов бериш хунари Кармана туманида ҳам ривожланган. XX аср бошларида Карманада 10 га яқин йирик темирчилик устахоналари фаолият кўрт сатган. Шунингдек, йирик қишлоқларда темирчи усталар ўз уйларида дўконлар очишган¹⁷.

Мисгарлик қадимдан металлга ишлов беришнинг кенг ёйилган соҳаси бўлиб, мисдан тайёрланган бежирим идишлар асрлар давомида халқимиз турмушида кенг қўлланиб келинган. Ўрганилаётган даврда Қуйи Зарафшон воҳасида бадий безаклар билан ишланган мис буюмларнинг хилма-хил турлари бўлган. Бу даврда Бухоро Регистони яқинидаги Арроқи масжиди ёнида каттагина мискарлар растаси мавжуд бўлиб, унда қарийб 200 та мискарлик дўкони жойлашган¹⁸.

XIX асрнинг охирида воҳага Россия фабрикаларида ишлаб чиқарилган кўплаб турдаги махсулотларнинг кириб кела бошлаши маҳаллий хунармандчиликнинг баъзи соҳалари (асосан рўзғор буюмлари ва безаклари) инқирозга учради. Лекин нақшланган анъанавий мис буюмлар ишлаб чиқариш соҳаси аксинча, тобора ривожланиб борди. Бозорда бир дона чойжўш 6 рубл, сархона 6 рубл 50 копек, мисқозон 7 рубл, лаъли 10 рубл, чойнак 4 рубл, капгир 3 рубл¹⁹, челак 8 тангадан²⁰ сотилган.

Бу даврда қуйи Зарафшон воҳасининг Қоракўл, Вобкент, Гиждувон, Кармана худудларида ҳам мискарликнинг ривожланганлигини тасдиқловчи маълумотлар мавжуд.

Қуйи Зарафшон воҳасида кенг тарқалган хунармандчилик турларидан бири зргарлик бўлиб, олтин, кумуш ва бронздан тайёрланган заргарлик буюмлари воҳа аҳолиси эҳтиёжини қондирибгина қолмай, қўшни вилоятлар ва давлатларга ҳам чиқарилган. Заргарлик буюмлари тайёрлаш анча мураккаб ва нозик иш бўлиб, у хунармандлардан катта маҳорат талаб қилган. Бухорода истиқомат қилган 400 га яқин заргарлар²¹ шаҳарнинг Тоқи Заргарон растасида фаолият кўрсатишган. Шу ўринда айтиб ўтиш лозимки, 1860 йилда Хивада 12 та, Тошкентда 70 та²², 1870 йилда Самарқандда 23 та²³ заргарлик дўконлари ишлаб турган. Бу Ўрта Осиёнинг бошқа шаҳарларига нисбатан Бухорода заргарлик кенг йўлга қўйилганлигини билдиради. Ўрта Осиёда кулолчилик қадимдан кенг

¹⁶ Чехович О.Д. К истории Узбекистана XVIII в. // Труды института востоковедения // Ан.Уз ССР-Тошкент., 1954.- С.48

¹⁷ Хотамов А., Халилов Ш. Йиллар садоси (Кармана тарихидан лавҳалар)-Тошкент.: Адолат, 1995-Б.40

¹⁸ Сухорова О.А. Бухоро XIX и начало XX вв.-М. 1966,-С.193-194

¹⁹ Ўз МА И.596-фонд. 1 рўйхат. 3 иш. 42-варақ.

²⁰ Ўз МА Р.48 фонд. 1 рўйхат, 3413 иш, 60-варақ.

²¹ Ремпель Л.И. Далекой и близкое. Страницы жизни быта,

²² Гейер И.И. Назаров Н. Кустарные промысли в Ташкенте.-1903.-С.9

²³ Костеко Л.Ф. Путешествие в Бухару русской миссии в 1870 г. СПб., 1871-С.26





тарқалган бўлиб, хунармандлар бу соҳадаги билимлари ва тажрибалари устоздан шогирдга ўтиб, асрлар давомида сайқал топиб борган. Кулоллар ҳам азалдан маълум бир идиш ёки буюм яшашга ихтисослашиб, косагар, кўзагар каби номларга сазовор бўлишган. Зарафшон воҳаси кулоллари турли ҳажм ва шаклга эга бўлган хум, кўза, хурмача, паёла, коса, шокоса, дукки коса, лаган, қаймоқдан офтоба, чилим сархонаси, болалар ўйинчоғи (хуштак, кўғирчоқ) кели, дастшуй каби буюмлар тайёрлашган.

Ғиждувон-Зарафшон воҳасида кулолчилик юқори тараққий этган шаҳарлар ҳисобланиб, унинг косаргар маҳалласида асосан кулоллар истиқомат қилишган. Э.М.Пешерова ўз тадқиқотида Ғиждувонлик машҳур косагар усталарни санаб ўтади. Улар Уста Мўмин, Нарзи Кулол, Исмоножон, Уста Қобил Оқсоқол, Шомурод, Мулло Абдулғаффор, Муҳаммаджон Чўлоқ, Абдусамад, Абдурахмон, Муллоқурбон, Усто Тош, Устоқурбон. Бундан ташқари, Уста Ашур, Усто Абдулаҳат, Усто Абдуғани, Уста Бақожон, Усто Бобоҳасан ва Мулла Аваз каби усталар бўлиши, улар яратган кулолчилик буюмлари билан машҳур бўлишган²⁴.

Ғиждувон кулолчилик буюмлари пишиқлиги ва нақшларнинг ранг-баранглиги жиҳатидан Ўрта Осиёнинг бошқа кулолчилик марказларида тайёрланган буюмлардан ажралиб турган. Маълумки, XIX асрнинг сўнги чорагида Қуйи Зарафшон воҳаси шаҳар ва қишлоқларида товар ишлаб чиқариш ва савдо-сотиқ ишларининг жонланиши ички ва ташқи алоқаларининг ривожланишига кенг йўл очиб берган.

Бухоро шаҳрида амирлик худудида маҳаллий ва хорижий олтин-кумуш пулларнинг муомала курсини белгилаб олиниши натижасида XIX асрнинг 80-йиллари охирларига қадар шаҳар бозорлари биржа вазифасини ўтаб, Ўрта Осиёда савдо ишларининг жонланишига самарали таъсир кўрсатган. Шаҳарда атторлик буюмлари, дори-дармон билан савдо қилувчи табибларнинг дўконлари билан бир қаторда 60 та чиннифурушлик, 150 та чойфурушлик, 50 та холвафурушлик, 60 та мисгарлик²⁵, 26 та китобфурушлик²⁶ дўконлари фаолият кўрсатган. Рус, инглиз, ҳинд, афғон ва Эрон моллари билан тўлган Бухоро бозорлари Тошкент бозорларидан бир неча маротаба катта бўлиб, уларда нафақат маҳаллий маҳсулотлат, балки чет эллардан келтирилган товарлар нисбатан арзон сотилган.

Бухородан кейин бошқа бир қатор туманлар бозорлари ҳам гавжум бўлган. Хусусан, қозоқ чорвадорлари Ғиждувон бозорига ҳар ойда 1000 бош қўй-эчки келтириб сотишган²⁷. Бу даврда айрим савдогарлар катта бойлик орттиришган. Биргина Бухоронинг ўзида 20 нафар яҳудий савдогарларнинг ҳар бири 30 минг

²⁴ Пешерова Е.М. Гончарное производства Средней Азии.-М.-Л., 1959.-С.187

²⁵ Сухарова О.А. Бухара начала XIX-начала XX-начала вв. –М.:Наука 1966.-С.193

²⁶ Вамбери А. Очерки Средней Азии. Дополнение к путешествию в Среднюю Азию.-М., 1868. С.-63

²⁷ Небольсин П.Очерки торговли России с странами Средней Азии. СПб., 1856.-С.2





рублдан 400 минг рублгача сармоёга эгалик қилишган²⁸. 1897 йилда Бухорода бўлган инглиз олими М. Адлернинг ёзишича бухоролик яхудий тижоратчилар Хитой, Ҳиндистон ва Афғонистонга савдо карвонлари юборишган²⁹. Бухоролик дўкондорлар кўшни шаҳарларда ҳам фаолият кўрсатишган. Масалан, 1880 йилларда савдогар А.Абдурашидхўжаевнинг Тошкент шаҳрида хусусий дўкони бўлган³⁰.

XX аср бошларида Ғиждувон бозорида бир кунда 4000 ботмонгача пахта сотилган³¹. Бозорда Э.Цендель, Зингор ва Нобеллар савдо уйлари каби хорижий фирмаларнинг бўлимлари фаолият юриитган. Кармана бозори ҳам катта бозорлар сирасига кирган. Хўжа Ориф, Лаклак, Бўстон, Ғишти, Султонобод ва Янгиқўрғон, Ромитан, Шўрчи, Зандони, Ванғози, Хазара, Азизобод, Тошрабат, Қалқонота, Хончарбоғ ва Фарзикент бозорларига эса майда бозорлар сифатида қаралган. Воҳада тайёрланган катта ҳажмдаги хунармандчилик маҳсулотлари ҳам мунтазам равишда четга чиқарилган. П.И.Небольеннинг таъкидлашича “Россиянинг ҳамма бурчагига Қозондан-Оренбурггача Бухоро матоларидан келтиришади”. Бухоро, Вобкент ва Ғиждувонда тайёрланган газламалар маҳаллий экспортнинг асосини ташкил қилган³².

Чет мамлакатлар билан савдо қилишнинг энг муҳим воситаси бўлган Қорақўл тери савдоси асосан Бухоролик савдогарлар қўлида бўлган. Бухоролик тадбиркорлар ва савдогарларбошқа вилоятларнинг ишбирамоналаридан анча уддабурон бўлишган. Жумладан, Убайдуллахўжа, Насриддинбой, Яҳёбой ва Абдурауф карвонбошилар катта ҳажмда улгуржи савдо билан шуғулланишган³³. Қорақўл терилар Бухоро бозорларига Қарши, Чоржуй-Керки, Бурдалик каби чорвачиликка ихтисослашган туманлардан, шунингдек, Хоразм ва Қозоқ чўлларида олиб келинган. Ушбу маҳсулот Бухородан Россия, Кавказ, Эрон ва Европа бозорларига хатто Америкагача етказиб берилган. Ф.И.Ремез маълумотларига кўра, 1880-1881-йилларда Бухородан Россияга 4 минг пуд Қорақўл тери олиб кетилган³⁴. Қорақўл тери савдоси маҳаллий тадбиркорларга катта фойда келтирган. Жумладан Арабовлар оиласи ва Убайдулла Қосимхўжаев ҳар йили ўртача 300 минг донадан, унинг укасе Латиф Хўжаев эса 10 минг дона Қорақўл терини Европа бозорларига чиқаришган³⁵.

²⁸ Клем В. Современной состояние торговли в Бухарском Ханстве. В КН.: Сборник географических топографических и статических материалов по Азии. -Вып.33.-СПб. 1886.-С.1-6

²⁹ Туркестанский сборник. Том.541.С-101

³⁰ Ўз. МА. И-1-фонд-2-рўйхат, 378-иш., 1-варақ

³¹ Современный кишлак Средней Азии (Социально-Экономический очерк)ю Вып IV. Вобкентская волость Зерафшанской область Узбекской ССР.-Тошкент, 1926.-С.181

³² Небольсин П.Очерки торговли России с странами Средней Азии. СПб., 1856.-С.211

³³ Сухарева П.И. Бухара XIX начала XX в. М.1966.-С.242

³⁴ Ремез И.А. Внешняя торговля Бухары до мировой войны. Опыт историко-статического обзора внешней торговли ханства вне сферы томоженного объединения его с Российской Империей. Тошкент.: Изд. ИСУ Турк. Республики. 1922. 71 с. Приложения 45.с

³⁵ Костельская З.Д. Основные предпосылки восстания 1916 года в Узбекистане. -М.: Наук-1972.-С.31





Бухоролик Абдунаби савдогар Фарғона водийсидан пахта билан бирга 10 вагон ипак толаси, унинг укасе Хамиджон эса 5 вагон ипак толасини сотиб олишган. Яна бир савдогар Абдуваҳоб Пашим Фарғона, Хўжанд ва Бухородан сотиб олинган 10 вагонга яқин ипак толасини Россияга жўнатган³⁶. Йирик тадбиркорлар Мирзо Муҳиддин Мансуров 50 вагонгача, Ҳикмат Кинос, Мир Камол каби саррофлар 10 вагонгача ипакни Бухоро туманларидан, 40 вагонгача ипакни Фарғона водийсидан сотиб олишган. Бухоро ипаги нафақат Россияда, балки Франция³⁷ ва Италияда ҳам сотилган.

XIX асрнинг сўнги чорагидан эътибор Россия империяси Бухоро амирлиги бозорларини тўла эгаллаб, уларни ўз товарлари билан толдиришга киришди. Рус буржуазияси Бухоро бозорларидан инглиз товарларини ҳам кўпроқ инглиз товарларини турли хил йўллар билан сиқиб чиқара бошлади. 1881-йилда Туркистонга ҳинд чойи ва ҳинд буёғидан бошқа (чунки бундай маҳсулотлар Россияда ишлаб чиқарилмаган) хорижий маҳсулотларни олиб келиш расман тасдиқланган. Бу ўз навбатида, Россиядан келтириладиган маҳсулотлар хажмининг ўсишига олиб келди.

1891 йилда Бухорода “Москва-Рязан” банкининг бўлими очилди³⁸. Шу йили шаҳарда “Москва халқаро савдо банки” нинг бўлими ҳам фаолиятини бошлади. 1894 йилда эса 90 млн. рубл жамғармага эга бўлган “Давлат банки” Янги Бухоро (Когон) да бўлимини очди. Қисқа вақт ичида бўлимнинг ишлари юришиб кетди. Натижада 1898-йилда банкнинг айланма маблағи 89.498 млн рублни ташкил қилган бўлса, 1899-йили бу рақам 97.666 млн рублга³⁹, 1902 йилда 111.4млн рублга, 1903 йилда 123.5 млн рублга етди⁴⁰.

Азов-Дон банкининг Бухорода очилган бўлими асосан пахта сотиб олиш билан шуғулланган. Банк умумий маблағини 93.6 фоизи ушбу мақсадга йўналтирилганлиги ҳам юқоридаги фикрни тасдиқлайди. Банк бўлими пахта сотиб олувчи фирмаларга кўплаб қарзлар берган. Жумладан, 1912 йилда ака-ука Хайдаровлар фирмасига 1 млн рубл, Т.Х.Мирхонхўжаевларга 500 минг рубл кредит ажратган⁴¹.

Сибир савдо банкининг бўлимлари Қўқон ва Бухорода жойлашган бўлиб, унинг Бухородаги даллочилик қўмитаси таркибига кирган Пулжанқобул Амир Муҳамедов, Асфияхўжа Бурхонхўжаев, Х.Исахоров, Д.Мирзаев, А.Юнусов каби маҳаллий бойлар пахта савдоси билан шуғулланган. Шундай қилиб, XIX аср

³⁶ Сухарева П.И. Бухара XIX начала XX в. М.1966.-С.253

³⁷ Еров А.Ш. Бухарский Эмират на мировом рынке (второй половине XIX начала XX столетия). Автореф. Дисс. Канд ист. Наук.-Душанбе. 2005.-С.22

³⁸ Хакимова К.З. Кравец Л.Н. Социально-экономические отношения и классовая борьба в дореволюционном Узбекистане (конец XIX начала XX в). Тошкент.: Фан. 1980,-С.82

³⁹ Ўз.МА. И.295-фонд, 1-рўйхат. 24-иш, 1-варақ

⁴⁰ Ўз.МА. И.299-фонд, 1-рўйхат. 28-иш, 1-варақ

⁴¹ Авезова Ш.Х. XIX аср охири XX аср бошларида Туркистонда банк ва фирмаларнинг ривожланиши. Тарих фан. Номзод. Диссер. Тошкент., 1997., -Б-90





бошларигача келганда Бухоро ва Янги Бухоро шаҳарлари савдо алоқаларининг ривожланиши кўрсаткичи бўйича амирликда етакчи ўринга чиқиб олди.

Ўзгарилаётган даврда Қўйи Зарафшон воҳасида савдо-сотик анча жонланганлиги сезилсада, аммо унинг Россия иқтисодиёти билан боғланиб қолиши тамойили кучайиб борди. Рус капиталини воҳага кириб келиши ўз навбатида капиталистик муносабатларнинг шаклланиши ва ривожланишига катта туртки берган бўлса, бироқ бу жараён миллий буржуазиянинг рус буржуазиясининг қарамлигини кучайтирди. Оқибатда хориж билан савдо алоқаларида тайёр маҳсулотлар чиқаришдан хом ашё чиқаришнинг ҳиссаси ошиб кетди. Хориждан олиб келинадиган хом ашё ва тайёр маҳсулотлари савдоси бу даврга келиб, асосан рус буржуазияси қўлида тўпланиб борди.

